

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

«Банк ҳисоби ва аудит» кафедраси

Умаров З.А.

**БАНКЛАРДА
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ**

Тошкент 2014

Банк даромадлари ва харажатлар ҳисоби”

1-маъруза машғулоти

Режа:

1

- Тижорат банкларида даромадлар турлари ва манбалари

2

- Фоизли ва фоизсиз даромадлар ҳисоби.

3

- Тижорат банкларида харажатлар ҳисоби.

1. Тижорат банкларида даромадлар турлари ва манбалари.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)да «Даромадлар – бу банкнинг одатдаги фаолияти натижаси сифатида иқтисодий ресурсларнинг ёхуд активларнинг оқиб келиши ёки ўсиш йўли орқали, ёхуд мажбуриятларнинг қисқариши йўли орқали ўсишидир» деб таърифлайди.

БХМС «Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асоси»да Даромадлар - ҳисобот даврида активларнинг кўпайиши ёхуд мажбуриятларнинг камайишидир деб таъриф берилган.

Банкларда молиявий натижалар ҳисоби вазифалари:



банк фаолияти асосий кўрсаткичлари бўйича режанинг бажарилишини назорат қилиш;



банк операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ва даромадларни ўз вақтида ва тўғри белгилаш;

даромад, харажат, фойда ва зарарларни тан олиш ва уларни ҳисобда акс эттириш тўғрилигини таъминлаш;

банк фаолияти натижалари ҳисобини тўғри юритиш ва молиявий ҳисоботлар тайёрлаш учун маълумот билан таъминлаш;

замонавий такомиллашган ҳисоб тизимини тадбиқ қилиш, банк фаолияти натижалари кўрсаткичлари услубиёти ва молиявий ҳисобот шаклларини такомиллаштириш;


банк фаолияти самарадорлигини ошириш, бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ўтказилган таҳлил ва тезкор назоратга зарур ишончли ва аниқ маълумотларни шакллантириш;

молиявий натижалар тақсимланишининг ҳисобга олинишини тўлиқ таъминлаб бериш.

Фоизли
даромадлар



Фоизсиз
даромадлар



Банк даромади

Тижорат банкларининг фоизли даромадлари

Кредитлар бўйича фоизли даромад

ЎзР МБ ва бошқа банклардаги ҳисобварақлар бўйича фоизли даромад

Олиш ва сотишга мўлжалланган қимматли қоғозлар бўйича фоизли даромад – савдо қоғозлари

Олиш ва сотишга мўлжалланган қимматли қоғозлар бўйича фоизли даромад – носавдо қоғозлар

Сотиш учун мавжуд бўлган инвестициялар бўйича фоизли даромад

Сўндирилгунча ушлаб туриладиган инвестициялар бўйича фоизли даромад

Тескари РЕПО битими бўйича фоизли даромад

Молиявий ижара бўйича фоизли даромад

Бошқа фоизли даромадлар

Тижорат банкларининг фоизсиз даромадлари

Воситачилик ва хизматлар учун ҳақ тўлашдан олинган даромад

Савдо операцияларидан кўрилган фойда

Валюта операцияларидан кўрилган фойда

Дивидендлар шаклидаги даромад

Инвестициялардан кўрилган фойда

Қарам хўжалик жамиятлари ва қўшма корхоналар фойдаси

Соф пул моддалари бўйича фойда

Бошқа операция даромадлари

2. Фоизли ва фоизсиз даромадлар ҳисоби

Тижорат банкларида фоизли ва фоизсиз даромадларни ҳисобга олиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 13 август 773-17-сон билан рўйхатдан ўтказилган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 17 июлдаги № 578 қарори билан тасдиқланган ва ўзгартириш, қўшимчалар билан бирга “Ўзбекистон республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси” да келтирилган бир қанча ҳисобварақлардан фойдаланилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банк операцияларини ҳисобга олиш бўйича чиқарилган меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилади.

Тижорат банкларида даромадлар аввал тан олинади ва ҳисобга олинади, кейин ундирилади.

Банкларда даромадни ҳисобга олганда умумий тартибда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси келтирилади:

- Дебет Ҳисобланган фоизлар ёки фоизсиз даромадлар
- Кредит Даромад ҳисобварағи

Ҳисобланган банк даромади ундирилганда:

- Дебет Касса, мижоз ҳисобварағи ёки банкнинг вакилик ҳисобварағи
- Кредит Ҳисобланган фоизлар ёки фоизсиз даромадлар

Банк даромади ҳисобини юқори даромад келтирувчи кредит операциялари мисолида кўриб чиқсак.


Кредит бўйича ҳисобланган фоизлар қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан акс эттирилади:

- Дт 16309 “Ссудалар бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар”;
- Кт 41400-44700 “Ссудалар бўйича фоизли даромадлар”.

Кредит бўйича фоиз суммаси келиб тушганда тўлов турига қараб қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан акс эттирилади:

- Дт 10101 “Айланма кассадаги нақд пуллар” ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижознинг ҳисобварағи;
- Кт 16309 “Ссудалар бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар”.

Ҳозирги кунда банк амалиётида кредит фоизи билан бирга кредит бериш бўйича коммиссион ҳақлар ҳам фоизли даромадлар таркибига киритилмоқда. Яъни банк кредит бериш мажбуриятини олганда мижоз унга коммиссион ҳақ тўлайди. Бу тўлов кредитнинг амал қилиш муддатида давомида тақсимланади.



Бундай коммиссион тўловлар кредит муносабатларнинг ажралмас қисми ҳисобланади, шунинг учун ҳам улар муддати узайтирилган даромадлар сифатида қаралади ва ҳақиқий даромаднинг коррективировкаси сифатида тан олинади. Бунда куйидаги бухгалтерия ўтказмаси келтирилади:

Дебет Мижознинг депозит
ҳисобварағи

Кредит 22896- Бошқа муддати
узайтирилган даромадлар

Хар ойда берилган
кредит фоизи билан
бирга комисион ҳақ
ҳам даромад
ҳисобварағига
ўтказилади, яъни:

- Дебет 22896- Бошқа муддати узайтирилган даромадлар
- Кредит 41400-44600 - Кредитлар бўйича фоизли даромадлар

Кредит бериш муддати
яқинлашиб, кредит
сўралмаса олинган
комисион ҳақ муддати
етиб келинган сўнг тан
олинади ва қуйидаги
ўтказма бўйича
расмийлаштирилади:

- Дебет 22896- Бошқа муддати узайтирилган даромадлар
- Кредит 45237- Кредит мажбуриятлари бўйича кўрсатилган хизматлар учун олинган даромадлар

Молиявий активлар бўйича фоизлар ҳисобланганда қуйидаги бухгалтерия проводкаси келтирилади:

- Дебет 1xxxx Олиш учун ҳисобланган фоизларнинг тегишли ҳисобварағи
- Кредит 4 xxxx Фоизли даромадларнинг тегишли ҳисобварағи

Ҳисобланган фоизлар олинганда эса қуйидаги ўтказма амалга оширилади:


- Дебет 10101 “Айланма кассадаги нақд пуллар” ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёхуд миқознинг депозит ҳисобварағи
- Кредит 1xxxx Олиш учун ҳисобланган фоизларнинг тегишли ҳисобварағи

Қимматли қоғозлар
бўйича дисконт
олинганда қуйидаги
бухгалтерия
проводкаси
келтирилади:

- Дебет – 163xx - Қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар
- Кредит – 1xxxx - Қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-актив)


Молиявий активлар бўйича
дисконт белгиланган
муддатларда
амортизацияланади ва
даромад таркибига
ўтказилиб, фойда ва
зарарлар тўғрисидаги
ҳисоботда ўз аксини топади
ва ушбу операция бўйича
бухгалтерия ўтказмаси
қуйидагича амалга
оширилади:

- Дебет – 1xxxx – Қимматли қоғозлар бўйича дисконт
- Кредит – 4xxxx - Қимматли қоғозлар бўйича фоизли даромадлар




Комиссион даромадларни ҳисобга олишда улар авваламбор тан олинади ва шундан сўнг даромадлар ҳисобварағига ўтказилади. Бунда куйидаги бухгалтерия ўтказмаси бажарилади:


- Дебет 16400 – “Ҳисобланган фоизсиз даромадлар”
- Кредит 45200 – “Фоизсиз даромадлар”



Ҳисобланган даромад ундирилганда эса:

- Дебет Кассадаги нақд пуллар, мижознинг ҳисобварағи ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи
- Кредит 16400 – “Ҳисобланган фоизсиз даромадлар”





Банк молиявий активларини сотиш натижасида ёки ҳисобдан чиқаришда ижобий ёки салбий натижага эришиш мумкин. Агар ижобий натижага яъни, фойда олса куйидаги бухгалтерия проводкаси келтирилади:

- Дебет Кассадаги нақд пуллар, мижознинг ҳисобварағи ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи
- Кредит 4xxxx Қимматли қоғозларни сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда

3. Тижорат банкларида харажатлар ҳисоби

БХМС молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос ҳужжатларида харажатга куйидагича таъриф берилган: харажатлар - ҳисобот даврида активларнинг камайиши ёхуд мажбуриятларнинг кўпайишидир. Бунда активларнинг камайиши яъни маблағларнинг чиқиб кетиши ёки мажбуриятларнинг кўпайиши харажатни ифодалаган.

Харажатлар – бу ҳисобот даврида активларнинг оқиб кетиши ёки камайиши йўли орқали, ёхуд мажбуриятларнинг қўпайиши орқали акциядорлик капитали иштирокчиларнинг уни тақсимлаши билан боғлиқ бўлмаган капиталнинг камайиши шаклида иқтисодий нафнинг камайишдир



Банкнинг фоизли харажатлари

Депозитлар бўйича фоизли харажатлар

МБдаги тўланадиган ҳисобрақамлар бўйича фоизли харажатлар

Бошқа банклардаги тўланадиган ҳисобрақамлар бўйича фоизли харажатлар

Банк томонидан ёки ушбу банк топшириғига кўра тўланмаган акцептларга доир қилинган фоизли харажатлар

Тўланадиган ссудалар бўйича фоизли харажатлар

Бошқа фоизли харажатлар

Банкнинг фоизсиз харажатлари

Воситачилик
хақини тўлаш
харажатлари

Чет эл
валютасидаги
зарарлар

Харид қилиш ва
сотиш
ҳисобрақамлари
бўйича зарарлар

Инвестициялар
бўйича зарарлар

Бошқа фоизсиз
харажатлар

Операцион харажатлар

Ходимларга бериладиган иш хақи ва бошқа тўловлар

Ижара ва офисни таъминлаш

Хизмат сафари ва транспорт харажатлари

Маъмурий харажатлар

Репрезентация ва хайрия ишлари

Эскириш харажатлари

Суғурта, солиқлар ва бошқалар

Эҳтимолий зарарлар захираси


Эҳтимолий зарарларни баҳолаш – ссудалар ва бўнаклар

Банк томонидан жалб қилинган депозитлар бўйича фоизлар банк ҳисобварағи шартномасида қўзда тутилган фоизлар ҳар куни депозит қолдиғининг ҳақиқий суммасига ҳисоблаб ёзилади ва қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси ёрдамида акс эттирилади:

- Дт 50100-51100 Депозитлар бўйича фоизли харажатларнинг тегишли ҳисобварағи;
- Кт 224хх “Депозитлар бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар”.

Депозитлар бўйича фоизлар белгиланган муддатларда мижозларга тўланади ва бу қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали қайд этилади:

- Дт 224хх “Депозитлар бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар”;
- Кт 10101 “Айланма кассадаги нақд пуллар” ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёхуд мижознинг депозит ҳисобварағи.



Қарз маблағлари бўйича
фоизлар ҳам шартномада
назарда тутилган фоиз
ставкаси асосида ҳар куни
қарзнинг қолдиқ суммасига
ҳисоблаб ёзилади ва
қуйидаги бухгалтерия
ўтказмаси ёрдамида акс
этирилади:

- Дт 53100 - 54300 Чиқарилган қимматли қоғозлар ва қимматли қоғозлар билан амалга оширилган РЕПО битимлари бўйича, ссудалар бўйича тўлаш учун фоизли харажатларнинг тегишли ҳисобварағи;
- Кт 22410 “Олинган кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар”
- ёки Кт 22414 “Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар”.

Банк томонидан олинган
қарз маблағлари бўйича
фоизлар мижозга тўлашда
қуйидаги бухгалтерия
ўтказмаси қайд этилади:

- Дт 22410 “Олинган кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар” ёки
- Дт 22414 “Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар”
- Кт 10101 “Айланма кассадаги нақд пуллар” ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёхуд мижознинг депозит ҳисобварағи.

Қиммати қоғозлар дисконт билан чиқарилганда дисконт сотиш санасида акс эттирилади ва қиммати қоғозларнинг муомала муддати ичида реал фоиз ставкаси усули бўйича амортизация қилинади.



Дисконт амортизацияси қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан ҳисобга олинади:

Дт 54200 “Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича фоизли харажатлар”;

Кт 23698 “Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича дисконт”;

Кт 22414 “Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар”.

Қиммати қоғозлар мукофот билан чиқарилганда мукофот сотиш санасида акс эттирилади ва дисконт сингари қиммати қоғозларнинг муомала муддати ичида реал фоиз ставкаси усули бўйича амортизация қилинади.

Мукофот амортизацияси қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан ҳисобга олинади:

- Дт 23696 “Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича мукофот (премия);
- Дт 54200 “Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича фоизли харажатлар”;
- Кт 22414 “Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар”.

Комиссион харажат
ҳисобланганда лекин
ҳали тўланмаганда
куйидаги бухгалтерия
проводкаси
бажарилади:

- Дебет 55100- “Фоизсиз харажатлар”
- Кредит 29802- “Товар – моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар” ёки 29806 – “Тўлаш учун ҳисобланган бошқа фоизсиз харажатлар”

Ушбу харажат
тўланганда эса:

- Дебет 29802- “Товар – моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар” ёки 29806 – “Тўлаш учун ҳисобланган бошқа фоизсиз харажатлар”
- Кредит Маблағ олувчининг ҳисобварағи
проводкаси бажарилади.

Хозирги кунда кўпчилик хизмат кўрсатувчилар тўловларни олдиндан тўлашни талаб этади. Агар ушбу харажатлар олдиндан тўланган бўлганда куйидаги тартибда ҳисобланган бўлар эди:

- Дебет 19907 – “Хизматлар учун олдиндан қилинган харажатлар” ёки 19925 – “Олдиндан тўланган харажатлар”
- Кредит Маблағ олувчининг ҳисобварағи

Операция амалга оширилгандан сўнг олдиндан тўланган тўлов харажатлар таркибига ўтказилади ва куйидагича ҳисобга олинади:

- Дебет 55100- “Фоизсиз харажатлар”
- Кредит 19907 – “Хизматлар учун олдиндан қилинган харажатлар” ёки 19925 – “Олдиндан тўланган харажатлар”

5-Мавзу: “Тижорат банкларида даромадлар ва харажатлар ҳисоби”

2-маъруза машғулот

Режа:

1

- Банк фаолиятида кўрилган молиявий натижани аниқлаш.

2

- Банк фойдаси ва унинг тақсимланиши ҳисоби.

1. Банк фаолиятида кўрилган молиявий натижани аниқлаш.

Молиявий натижа – бу, фаолиятга комплекс баҳо берувчи ва содир бўлган иқтисодий жараёнларни ҳаққоний акс эттирувчи даромад, харажат, фойда ва зарар кўринишидаги иқтисодий кўрсаткичлардир.

Банк фойдаси – унинг фаолияти натижаси ва ривожланишининг асоси, капиталдан ташқари банк фаолиятида ишлатилиши мумкин бўлган маблағидир.



Хозирги кунда Ўзбекистонда тижорат банкларида молиявий натижалар кўрсаткичларини шакллантириш алгоритми Марказий банк томонидан белгиланган молиявий ҳисобот шакллари ва бухгалтерия ҳисоби стандартларига асосланади. Жумладан, Марказий банк томонидан 2004 йил 6 ноябрда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига банк назорати бўйича тақдим этиладиган тижорат банклари ҳисоботларини тўлдириш тавсиялари» тўғрисидаги № 584 йўриқнома бўйича 0204IS «Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот» шаклни тўлдириш тўғрисидаги методик кўрсатмалар асос бўлиб ҳисобланади.

**АТ «Қишлоқ қурилиш банк»да «Фойда ва зарарлар тўғрисида»ги ҳисобот шаклида
молиявий натижаларни шакллантириш
млн.сўм ҳисобида**

№	Кўрсаткичлар	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши	
							млн. сўм	% да
1	Фоиз даромади	11821	17453	23180	43745	68320	56499	478,0
2	Фоизли харажатлар	-4796	-7174	-10059	-11726	-23332	-18536	386,5
3	Соф фоиз даромади	7025	10279	13121	32019	44988	37963	540,4
4	Кредитлар бўйича эҳтимолий зарарларни (баҳолаш) қайта тиклаш	-281	-666	770	-5075	-7185	-6904	2456,9
5	Захирани баҳолаш чегириб ташлаганидан кейинги соф фоиз даромади	6744	9613	13891	26944	37803	31059	460,5
6	Фоизсиз даромад	13094	16761	10198	11895	18222	5128	39,2
7	Операцион харажатлар	-13740	-19958	-22743	-31913	-48383	-34643	252,1
8	Даромад (фойда) солиғидан олдинги соф фойда (зарар)	6097	6416	1346	6926	7642	1545	25,3
9	Даромад (фойда) солиғини баҳолаш	-1066	-1267	-282	-1913	-3365	-2299	215,7
10	Соф фойда (зарар)	5031	5149	1064	5013	4277	-754	-15,0

1. Фоизли даромад;

2. Фоизли харажат;

3. Соф фоизли даромад (1кат–2кат);

4. Бошқа операцион даромадлар (зарарлар);

8. Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини шакллантириш харажатлари;

7. Соф операцион даромад (зарар) (5кат–6кат);

6. Операцион харажатлар;

5. Ялпи операцион даромад (зарарлар) (3кат+4кат);

9. Кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича фойда (зарар);

10. Солиқ тўлангунга қадар соф даромад (зарар) (7кат –8кат+/- 9кат);

11. Даромад солиғи;

12. Соф фойда (зарар) (10кат–11кат);

Россия тижорат банкларида «Фойда ва зарарлар тўғрисида»ги ҳисоботга асосан молиявий натижаларни шакллантириш модели қуйидаги кўринишга эга:

13. Фойданинг тақсимланиши.

1. Фоизли даромад (ФД);

2. Фоизли харажат (ФХ);

3. Соф фоизли даромад (ФД – ФХ);

4. Ссудалар бўйича зарарларни қоплаш захираси (ЗҚЗ);

8. Фоиз билан боғлиқ бўлмаган соф даромад (ФСД – ФСХ);

7. Фоизсиз харажат (ФСХ);

6. Фоизсиз даромад (ФСД);

5. Ссудалар бўйича зарарларни қоплаш захираси шакллантирилгандан кейинги соф фоизли даромад (ФД – ФХ – ЗҚЗ);

9. Қимматли қоғозлар бўйича даромад ёки зарарларни ҳисобга олмаган ҳолда ва солиқларни тўлагунга қадар даромад (ФД – ФХ) – ЗҚЗ + (ФСД – ФСХ);

10. Даромад солиғи (ДС);

11. Банк операциялари бўйича соф даромад (ФД – ФХ) – ЗҚЗ + (ФСД – ФСХ) – (ДС);

12. Қимматли қоғозлардан даромад ёки зарар (ҚҚД);

АҚШ
банкларининг
одатий фойда ва
зарарлар
тўғрисидаги
ҳисобот формаси

15. Суммар тақсимланмаган фойда (ТФ) $ТФ = СД - Д$.

14. Дивидендлар (Д);

13. Соф даромад (СД) $СД = (ФД - ФХ) - ЗҚЗ + (ФСД - ФСХ) - (ДС) +/- (ҚҚД)$;

Банкларда икки ҳил:

- тақсимланмаган фойда
- ва жорий йил соф фойдаси фарқланади.

Буларни ҳисобга олиш учун ҳисобварақлар режасининг «Капитал» бўлимида

- 31203- Тақсимланмаган фойда
- 31206- Соф фойда (зарар) баланс ҳисобварақларидан

Иккала ҳисобварақ ҳам мазмун жиҳатидан актив-пассив ҳисобварақдир, уларнинг дебетида ҳам, кредитида ҳам қолдиқ ҳосил бўлиши мумкин.

Ҳисобварақнинг

- дебетида қолдиқ ҳосил бўлганда банк фаолияти зарар билан якунланади
- кредитда қолдиқ ҳосил бўлса банк фойда кўрган бўлади.

31203 -Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)


Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг ўтган молиявий фаолияти давомида олган тақсимланмаган фойдаси(зарари)нинг ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида 31206-ҳисобварақдан ўтказилган банкнинг соф фойдаси ҳамда захира капитал ҳисобварақларидан тақсимланмаган фойдага ўтказилган суммалар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида ҳар хил фондлар учун ажратмалар ва эълон қилинган дивидендларнинг, 31206-ҳисобварақдан ўтказилган зарарлар суммалари акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб битта шахсий ҳисобварақда юритилади.

31206- Соф фойда (зарар) (актив-пассив)



```
graph TD; A[31206- Соф фойда (зарар) (актив-пассив)] --> B[Хисобварақнинг таърифи: ҳисобот йилида банк молиявий фаолиятининг натижаларида олинган соф фойда(зарар)ларнинг суммаси, ҳамда ушбу давр давомида эълон қилинган дивидендлар ҳисоби олиб борилади.]; B --> C[Хисобварақнинг кредитида ҳисобот йилида банк томонидан олинган фойда, 31203-“Тақсимланмаган фойда” (актив-пассив) ҳисобварағига ўтказилган зарарлар суммаси, ҳамда нотўғри эълон қилинган дивидендларнинг қайтарилиши акс эттирилади.]; C --> D[Хисобварақнинг дебитида ҳисобот йилида банк томонидан кўрилган зарарлар, 31203-“Тақсимланмаган фойда” ҳисобварағига ўтказилган фойдалар суммаси, эълон қилинган дивидендлар, шунингдек захира капитали ҳисобварағига ўтказилган сумма акс эттирилади.]; D --> E[Таҳлилий ҳисоб соф фойда ва дивидендлар ҳисоби бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.];
```

Хисобварақнинг таърифи: ҳисобот йилида банк молиявий фаолиятининг натижаларида олинган соф фойда(зарар)ларнинг суммаси, ҳамда ушбу давр давомида эълон қилинган дивидендлар ҳисоби олиб борилади.

Хисобварақнинг кредитида ҳисобот йилида банк томонидан олинган фойда, 31203-“Тақсимланмаган фойда” (актив-пассив) ҳисобварағига ўтказилган зарарлар суммаси, ҳамда нотўғри эълон қилинган дивидендларнинг қайтарилиши акс эттирилади.

Хисобварақнинг дебитида ҳисобот йилида банк томонидан кўрилган зарарлар, 31203-“Тақсимланмаган фойда” ҳисобварағига ўтказилган фойдалар суммаси, эълон қилинган дивидендлар, шунингдек захира капитали ҳисобварағига ўтказилган сумма акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб соф фойда ва дивидендлар ҳисоби бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

Банк даромадлари ва харажатлари
ҳисобварақлари ҳисобот йили охирида
ёпилаётганда қуйидаги бухгалтерия
проводкалари бажарилади:

Дебет 40000 Даромадлар

Кредит 31206 Соф фойда (зарар)

ҳамда

- Дебет 31206 Соф фойда (зарар)

Кредит 50000 Харажатлар

«А» банк филиали 2012 йил якунида 42100 млн. сўм даромад олди ва 38240 млн. сўм харажат қилди. Банкнинг даромадлар ва харажатлар ҳисобварақлари ҳисобот йили охирида ёпилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари бажарилади:

Дебет 40000 Даромадлар 42100 млн. сўм;

Кредит 31206 – «Соф фойда (зарар) (актив–пассив)» 42100 млн. сўм.

ҳамда

Дебет 31206 – «Соф фойда (зарар) (актив–пассив)» 38240 млн. сўм;


Кредит 50000 Харажатлар 38240 млн. сўм.

Бундан кўриниб турибдики банкнинг жорий йил соф фойдаси $42100 - 38240 = 3860$ млн. сўмни ташкил этди.

2. Банк фойдаси ва унинг тақсимланиши ҳисоби.

Банк фойдасини тақсимлаш меъёрий ҳужжатлар ҳамда банк таъсис ҳужжатларига асосан ўтказилади. Бунда банк фойдасидан турли ҳил заҳира фондлари, махсус фондлар яратилади, дивидендлар, солиқлар тўланади, шунингдек, банк таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган мақсадлар учун фойдаланади.

Иқтисодчи олимлар хўжалик субъектларида соф
фойдани тақсимлаш тартибини икки хил йўналиш
бўйича амалга оширишни тавсия қилади:



Банк фойдасининг тақсимланиши

Фойданинг тақсимланадиган қисми

Таъсисчилар ва
акционерларга бериладиган
дивиденд ва улушлар

Бюджетга тўловлар

Фойданинг банк
ходимларига берилаётган
қисми

Фойданинг жамғариладиган қисми

Банк устав капиталини
ошириш

Банкнинг умумий заҳира
фондлари

Банкнинг махсус заҳира
фондлари

Акциялар бўйича дивидендларнинг тўланиши тўғрисида қарор қабул қилинганда қуйидаги бухгалтерия проводкаси амалга оширилади.

- Дебет 31203- “Тақсимланмаган фойда”
- Кредит 29822 «Тўланиши лозим бўлган дивидендлар»

Ушбу проводка йиллик дивидендлар ҳисобга олинганда амалга оширилади. Агар оралиқ дивидендлар ҳисобланганда 31206- “Соф фойда (зарар) ҳисобварағи дебетланар эди, яъни қуйидагича:

- Дебет 31206- “Соф фойда (зарар)”
- Кредит 29822 «Тўланиши лозим бўлган дивидендлар»

Эълон қилинган дивидендлар тўланганда эса қуйидаги бухгалтерия проводкаси бажарилади:

- Дебет 29822- “Тўланиши лозим бўлган дивидендлар”
- Кредит 10101- “Айланма кассадаги нақд пуллар” ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки акционер – банк миждози ҳисобварағи.

Имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивидендлар банк фаолияти натижасига боғлиқ бўлмайди. Шу сабабли банк хохласа–хохламаса имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни белгиланган муддатларда тўлаб бериши лозим.

Агар эълон қилинган дивидендларни тўлаш учун банкнинг жорий йил соф фойдаси етарли бўлмаса, банкнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан ёки умумий захира фондидан тўловлар амалга ошириш мумкин. Бунда куйидаги ўтказма бажарилади:

Дебет 30903 –
«Умумий захира
фонди»;

Кредит 29822 –
«Тўланиши лозим
бўлган
дивидендлар».

Тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш, уларнинг инвестиция жараёнларида, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишда, ишлаб чиқаришни модернизациялашда, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда кенг иштирок этишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги 2007 йил 12 июлдаги ПҚ–670 сон Қарори банк капиталини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Айниқса тижорат банкларига, йил якуни бўйича барча солиқлар ва тўловлар тўланганидан сўнг, банк фойдасининг камида 30 фоизини банк акциядорлик капиталини кўпайтиришга йўналтириш тавсия этилган.

Соф фойда ҳисобидан капитални кўпайтиришга ажратмалар ажратилганда қуйидаги проводка бажарилади:

Дебет 31206- “Соф фойда (зарар) (актив-пассив)

Кредит 30903- “Умумий захира фонди”

Банк акционерлик жамияти сифатида фаолият олиб борса унда фойда тақсимотининг асосий хусусиятларидан яна бири шундаки, улар бошқа мулкчилик шаклидан фарқли ўлароқ резерв капитали ташкил қилишлари лозимлиги қонунда белгилаб қўйилган. Бу ажратмалар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 31203- “Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)

Кредит 30903- “Умумий захира фонди”

Ҳозирги кунда банк фойдасини ишлатилишининг яна бир йўналиши бу имтиёзли кредит бериш махсус жамғармасини шакллантиришдир. Тижорат банклари Имтиёзли кредит бериш жамғармасини деҳқон ва фермер хўжаликларига, товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш билан банд бўлган кичик тадбиркорлик субъектларига шунингдек, юқори технологияли ва инновация лойиҳаларини амалга ошириш учун имтиёзли кредит ва микрокредитлар бериш учун ташкил этади.

Ушбу жамғарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора–тадбирлар тўғрисида»ги 2000 йил 21 мартдаги ПФ–2564–сон Фармониға мувофиқ ишлаб чиқилган «Тижорат банклари томонидан Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармасини шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом асосида ташкил этилади. Жамғарма маблағлари банк фойдасининг 25 фоизгача миқдорини ажратиш ҳисобига шакллантирилади.

Бунда имтиёзли кредит бериш жамғармасига ажратмалар ҳар чорақда банкнинг бизнес–режасида назарда тутилган солиқлар тўлангандан сўнг ҳар чорақдаги соф фойданинг прогноз суммасидан келиб чиққан ҳолда ажратилади. Ушбу ҳолатда ажратма куйидаги ўтказма билан расмийлаштирилиши керак:

Дебет 31206 – «Соф фойда (зарар) (актив–пассив);

Кредит 30904 – «Кичик бизнес корхоналарини имтиёзли кредитлаш захира фонди».

Банк фойдаси ҳисобига ташкил этиладиган фондлардан яна бири девальвация учун захира фондидир. Ушбу фонд маблағлари 30906 – «Девальвация учун захира» ҳисобварағида ҳисобга олиб борилади. Ҳисобварақда сезиларли даражада миллий валютанинг қадрсизланишида (девальвация) банкнинг ўз мажбуриятларини қоплаш учун тақсимланмаган фойда ҳисобидан ажратилган маблағларининг ҳисоби олиб борилади. 30906 ҳисобварағига маблағлар ўтказилганда қуйидаги ўтказма бажарилади:

Дебет 31203 – «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (актив–пассив)»;

Кредит 30906 – «Девальвация учун захира».